

# ОҚИМ ҲАЖМИНИ РОСТЛАШ АСОСЛАРИ



# Режа

- *Оқим ҳажмини ростлаш мақсадлари ва вазифалари. Оқимни ҳажмини ростлаш зарурияти.*
- *Дарё оқим ҳажмининг вақт ичида ва худуд бўйича тақсимланиши.*
- *Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилар. Ҳалк хўжалигининг ҳар турли соҳаларининг сувга бўлган талаби.*




# Оқим хажмини ростлаш зарурияти

- Орол ҳавзаси дарёларининг сув ресурслари **126,9 км<sup>3</sup> га(50% таъминланганликда)** тенг. Республика сув ресурсларининг асосий қисмини (**98,1 км<sup>3</sup>**) Сирдарё ва Амударё ирмоқлари оқими ташкил қиласиди, улар қўшни давлатлар Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистоннинг тоғли жойларидан бошланади.
- Ўзбекистон Республикаси худудида ҳосил бўладиган маҳаллий оқим **9,5 км<sup>3</sup> га** тенг. Ушбу оқимни асосан Чирчик, Оҳангарон, Сурхондарё ва Қашқадарё дарёлари ҳосил қиласиди.
- Маҳаллий оқим майдон бўйлаб нотекис тақсимланиб, **0- 1000 мм** гача ўзгаради. Сув билан яхши таъминланган ҳудудларга Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари киради. Шу билан биргаликда айрим вилоятларда (Хоразм, Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикаси) маҳаллий оқимнинг етишмаслиги сезилади.
- Ўзбекистон дарёларида кўп сувли ёки сув тошқинининг қисқа даврида йиллик оқимнинг **40-80%** гача микдори оқиб ўтади ва қолган даврда минимал сув сарфлари кузатилади. Дарё оқимининг табиий режими сувдан фойдаланиш режимига кўпинча тўғри келмайди.
- Аҳолини, саноатни ва қишлоқ хўжалигини узлуксиз ва кафолатли сув билан таъминлаш мақсадида сув ресурсларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун дарё оқими режимига таъсир кўрсатиш, яъни уни ростлаш зарурияти пайдо бўлади.

# Ўзбекистон сув омборлари

№	Сув омборларининг номланиши	Тула хажм, млн. м.куб	Фойдали хажм, млн. м.куб
1	Туямуон	7300	5000
2	Кайракум	4000	2500
3	Чорбог	2000	1600
4	Андижон	1750	1600
5	Талимаржон	1600	1400
6	Каттакургон	900	884
7	Жанубий Сурхон	800	610
8	Чим кургон	500	450
9	Куйимозор	350	300
10	Охангарон	350	309
11	Пачкамар	260	250
12	Тошкент	250	224
13	Каркидон	218	211
14	Хисор	180	170
15	Урта тукай	165	155
16	Уч кизил	160	80
17	Жиззах	90	88
18	Варзин	17	15
19	Камаши	11	11



Аҳолининг жон бошига түғри келадиган сув ресурсларининг үзгариш графиги

# Дарё оқими ҳажмини ростлаш тушунчаси

**Дарё оқими ҳажмини ростлаш** деганда сувга бўлган талабга мувофиқ ҳамда сув тошқинининг олдини олиш мақсадида оқим ҳажмининг вақт оралиғида қайта тақсимланиши тушунилади.

Оқим ҳажмини ростлаш махсус сув ҳавзалари — сув омборлари ёрдамида амалга оширилади.

Сув омборларининг барпо этилиши кўпгина муҳим сув хўжалигидағи вазифаларни:

- ✓ сув таъминоти,
- ✓ сув бостириш ва суғориш,
- ✓ балиқ хўжалиги,
- ✓ сув энергиясидан фойдаланиш,
- ✓ кема қатнови ва ёғоч оқизиш шароитларини яхшилаш,
- ✓ сув тошқини ва селга қарши кураш,
- ✓ сув ресурсларидан мүкаммал фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни амалга ошириш имконини беради.

Сув омбори томонидан оқим ҳажмининг ростланиши сувдан фойдаланишни ошириш билан бирга сув тошқини туфайли қисқа муддатли сув босишига қарши курашишда ҳам қўлланилиши мумкин. Дарё сувининг тошишини олдини олиш учун кўпинча дарё қирғоғи бўйлаб махсус тупроқдан қилинган дамбалар қурилади.

# Оқим ҳажмини ростлаш вазифалари:

- Сувдан фойдаланувчилар талабига кўра ва сувдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида оқим ҳажмининг қайта тақсимланиши.
- Сув босиши ва сувнинг бошқа заарли таъсирининг олдини олиш учун максимал сув сарфлари миқдорини камайтириш мақсадида үларни вақт оралиғида қайта тақсимлаш.

# Захирави ва ушлаб түрүвчи сув омборлари

- Биринчи вазифани бажарувчи сув омборларини баъзида **захирави** сув омборлари деб аташса, иккинчи вазифани бажарувчиларни **ушлаб түрүвчи** сув омборлари деб аташади.
- Захирави сув омборларидан ГЭС ишини таъминлашда, экинларни суғоришда, саноат ва майший сув таъминотида, сув тақчил пайтида кема қатнови ва ёғоч оқизиш каби мақсадларда фойдаланилади. Ушлаб түрүвчи сув омборларидаги катта сув тошқинларидан йиғилган сувлардан ҳар турли хўжалик мақсадларида фойдаланилиши мумкин (масалан, Японияда ГЕС ишини таъминлашда, Россиядаги Кубан дарёси ҳавзасида эса шолини суғоришда).
- Ҳар қандай сув омбори қурилиши натижасида дарёning қуий оқимидағи гидрограф ўзгаради. Сув омбори туфайли ўзгарган оқим тартибга **солинган оқим ҳажми** деб аталади. Агар тартибга солинган оқим ҳажми дарёning қуий оқимида жойлашган бошқа сув омбори туфайли ўзгарса, у қайта тартибга солинган оқим ҳажми деб аталади.


## Сувдан фойдаланувчилар ва сувни истеъмол қилувчилар

- Сувдан фойдаланувчилар сувни сув манбаидан сарфламасдан ишлатишади. Сувни истеъмол қилувчилар сувни сув манбаига қайтариб бермасдан ишлатишади.
- Сувдан фойдаланувчиларга энергетика, сув транспорти, ёғоч оқизиш, балиқ хўжалиги ва рекреатция (сув билан даволаш, курорт-соғломлаштириш мажмуалари) киради.
- Юқорида қайд этилган сувдан фойдаланувчиларнинг умумий хусусияти шундаки, улар сув манбаидаги сувни сарфлашмайди, фақатгина ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишади.

# Қишлоқ хўжалиги энг йирик сув истеъмолчиси

- Қишлоқ хўжалиги энг йирик сув истеъмолчиси ҳисобланади. Бунда сув асосан суғоришга, бостиришга, аҳолининг сувга бўлган талабини қондиришга сарфланади.
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғориш учун 55 км<sup>3</sup>га яқин сув сарфланади. Ирригация шохобчалари аҳволи талаб даражасида бўлмаслиги ва сувнинг буғланиб, исроф бўлиши суғоришга мўлжалланган сувнинг камайишига олиб келади.
- Ўзбекистонда аҳоли сонининг ошиши ва халқ хўжалиги соҳаларининг ривожланиши сув ресурсларидан фойдаланиш миқдорини ошириш билан бирга унинг сифатига таъсир кўрсатмоқда.
- Шунинг учун ҳам сув ресурсларидан комплексли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

# Зарафшон дарёси хавзасида йиллик оқимнинг таксимланиши



# Сув хўжалиги баланси

- Сув ресурсларидан фойдаланишда мұхим ўринни келажакка мўлжалланган сув хўжалиги баланси (СХБ) эгаллайди. **Сув хўжалиги баланси:** маълум бир вақт оралиғида айrim ҳудуддаги сувдан фойдаланувчилар талабига биноан мавжуд ва фойдаланишга яроқли сув ресурсларининг миқдорий муносабати тушунилади.

$$W_o + W_{o.k.} + W_{t.o.} - W_{i.b.} - W_{сан} - W_{мин.} \pm \Delta V - V_i = \pm \Delta W$$

- СХБ камсув, камсувлиги ўртача, сувлилиги ўртача йилларга тузилиб, ҳисобли таъминланганлиги 95,75,50 фоизларга мос бўлади. **Сув хўжалиги баланси** кирими-чиқим ва натижавий қисмлардан иборат. Кирим қисмига: мазкур ҳудуднинг дарё ва ер ости сувлари оқим ҳажми  $W_o$ , қўшни ҳавзалардан ва юқорида жойлашган ерлардан қайтма сувларнинг оқиб келиши  $W_{o.k.}$ , бошқа ҳавзалардан дарё оқимини керакли томонга оқизиш  $W_{t.o.}$ . Чиқим қисмига : истеъмолчиларга сув бериш  $W_{i.b.}$ , кема қатнови, даволаш, курорт, соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш ва оқова сувларни тоза сувлар билан суюлтириш  $W_{сан}$  ва камсув даврида дарёда сақланадиган чегарали минимал сув сарфи  $W_{мин.}$ .
- Булардан ташқари сув хўжалиги балансида сув омбори томонидан оқим ҳажмининг ростланиши  $\pm \Delta V$  сувнинг буғланишга ва сувнинг сизиб оқишга исрофи  $V_i$  инобатга олинади.
- СХБнинг натижавий қисми сув ресурсларининг керагидан ошиб кетиши ва кетмаслигидир Шундай қилиб, СХБ тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

# Амалий ва ҳисоботли СХБ

- Келажакка мүлжалланган СХБ амалий ва ҳисоботли бўлиши мумкин. Келажакка мүлжалланган СХБ 15-20 йиллар ва ундан кўпроқ давр учун тузилади.
- Амалий СХБ сув хўжалиги тизимини қисқа муддатлар учун (йил, мавсум, йил чораги, ой, ўн кунлик), ҳисоботли СХБ ўтган давр учун тузилади. Сув хўжалик баланси маълум бир ҳудуд учун тузилади.
- СХБ ёрдамида айrim ҳудуддаги мавжуд сув ресурслари ва улардан фойдаланиш даражаси баҳоланади. Бунинг натижасида сув ресурслари етишмайдиган туманлар белгиланади ва сув хўжалигининг ривожланиши ва сув хўжалиги объектларини жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар тавсия этилади.

# Оқим ҳажмини ростлаш турлари

- Сувдан фойдаланувчилар вазифалари, хусусиятлари ва таркибига боғлиқ ҳолда оқим ҳажмини ростлаш мақсадга мувофиқлик, давом этиш, оқимдан фойдаланиш даражасига қараб таснифланади.
- Сув омборлари мақсадга мувофиқлик бўйича **захирали, ушлаб турувчи** (*сув тошқинига қарши*) ва **комплексли** омборларга бўлинади.
- Захирали сув омборларининг вазифаси камсув даврларда сув сарфларини оширишдир. Улар энергетика, майший, саноат, қишлоқ хўжалиги, балиқ хўжалиги, дарё транспорти ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлатилади.
- Ушлаб турувчи омборлар (*сув тошқинига қарши*) сув тошқини ва сел оқимларига қарши курашиб учун мўлжалланган.
- Комплексли сув омборлари захирали ва ушлаб турувчи сув омборлари вазифасини қўшиб бажаради.
- Давом этиши бўйича оқим ҳажмини ростлаш кунлик, ҳафталик, қисқа муддатли, мавсумий (йиллик) ва кўп йиллик турларга бўлинади.

# Оқим ҳажмининг кунлик ростланиши

- Оқим ҳажмининг кунлик ростланиши сувдан фойдаланувчилар талабига мувофиқ дарё оқим ҳажмининг кун давомида қайта тақсимланишидир. Сув омборида сув истеъмолчиларга камроқ керак бўлган соатларда йиғилиб, кўпроқ керак бўлган соатларда эса сарфланади .
- Оқим ҳажмини кунлик ростлашда сув омборларида ишлаш даврийлиги (тўлдириш ва тўла бўш бўлиш) кун давомида содир бўлади. Оқим ҳажмининг кунлик ростланиши сув таъминотида, гидроэнергетикада ва экинларни суғоришда кенг тарқалган.

# Оқим ҳажмининг ҳафталик ростланиши

- Оқим ҳажмининг ҳафталик ростланиши бир ҳафта давомида дам олиш кунлари мавжудлигидаги қўлланилади. Иш кунлари сув кўп, дам олиш кунлари эса кам ишлатилади. Дам олиш кунларидаги ортиқча сув ҳажми сув омборида йиғилиб турди ва иш кунлари қўшиб берилади.
- Сув омборининг ҳафталик ростланишдаги ишлаш даврийлиги (тўлдириш ва тўла бўш бўлиш) бир ҳафтани ташкил этади. Бу ростлаш тури асосан саноатни сув билан таъминлашда ва гидроэнергетикада қўлланилади.

# Оқим ҳажмининг қисқа муддатли ростланиши

- Оқим ҳажмининг қисқа муддатли ростланиши асосан кичик дарёларда қўлланилади.
- Бунда сув омборларидан сув чиқариш дарёning қўйи оқимида ёғоч оқизиш, кема қатнови, йиғилган чиқиндини ювиб юбориш, аҳолини маданий дам олиш ва соғломлаштириш чоратадбирларини ташкил этиш учун қисқа муддатда сув чуқурлигини ошириш мақсадида ўюштирилади.

# Оқим ҳажмининг мавсумий (йиллик) ростланиши

- Оқим ҳажмининг мавсумий (йиллик) ростланиши, сув омборларидаги оқим ҳажмининг мавсум ёки йил давомида қайта тақсимланишидир.
- Оқим ҳажмининг мавсумий ростланишидан мақсад серсув мавсумда сув тўплаб, камсув даврда ундан фойдаланишдир.
- Ўзбекистондаги кўпчилик сув омборлари мавсумий(йиллик) ростланишда бўлиб, улардан сув таъминотида, энергетикада, суғоришда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланилади.

# Оқим ҳажмининг кўп йиллик ростланиши

- Оқим ҳажмининг кўп йиллик ростланиши оқим ҳажмини ростлашнинг энг тўлиқ ва энг мукаммал тури бўлиб, сув ресурсларидан комплекс мақсадларда фойдаланиш имконини беради.
- Сув омборидаги оқим ҳажми узоқ муддатли кўп йиллик даврда қайта тақсимланади. Сув омбори серсув йилларда сувга тўлдирилади, камсув йилларда эса сувдан бўшатилади.
- Оқим ҳажмининг кўп йиллик ростланиши катта сиғимдаги сув омборларини қуришни тақозо этади.